

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Андижон нефт базаси” МЧЖ

Директори

Қ.Юсупов

2022 йил



**БУЮРТМАЧИ: “Андижон нефт базаси” МЧЖ**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**«Андижон нефт базаси» МЧЖ ва унга қарашли  
Асака, Гурунчмозор, Пойтуғ, Шахрихон  
филиалларини навбатдаги электр  
жихозларни, ускуналарни, трансформатор  
подстанцияларни, химоя воситаларни синов ва  
созлаш электр лаборатория кўригидан ўтказиш учун**

**Андижон-2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2021 йил 23 апрел №0367-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 “Андижон нефт базаси” МЧЖ 2022 йил учун бир йилда бир марта электр жихозларни, ускуналарни, трансформатор подстанцияларни, химоя воситаларни синов ва созлаш электр лаборатория кўригидан ўтказиш учун текширувдан ўтказиб хулоса бериш.

1.2. Танлов объектини тахминий қиймати эллик етти миллион (57 000 000 ) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан энергетика ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 иш куни.

1.5. Энергетика текширувни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Андижон нефт база” МЧЖ. (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳар, А.Ашуров кучаси, 10 уй

Эл.адрес: [andnbuk@inbox.uz](mailto:andnbuk@inbox.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тартибда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, Энергетика текширув ўтказишга лицензия (рухсатномаси) бор ва тажрибага эга бўлган, барча юридик мақомга эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
қайта ташкил этилиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган,  
мулк мусодара қилинган ёки хатлаб қўйилганлар ҳамда ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига  
молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предмети билан жойига чиқиб  
ўрганиш, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми билан танишиш, энергетика текширув учун  
зарур бўлган маълумот олиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов  
ташкилотчисига) мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Бош муҳандис

Бош ҳисобчи

Бош юристконсульт

Муҳандис-энергетики:



Б.Абдуллаев

М.Назиров

А.Ақбаров

У.Умаров